

**“Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ акциядорларнинг  
навбатдан ташқари умумий йиғилиши  
БАЁННОМАСИ**

2024 йил 6-февраль соат 11-00

Нукус шаҳри

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 1 936 969 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 1 977 141 дона. Йиғилиш кворуми 97,97 фоиз.

**Қатнашдилар:**

Жамият устав фондидаги 1 936 713 дона ёки 97,95 фоиз улушга эгалик қилувчи акциядор “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2024 йил 5-февралдаги СХ 12/39-сонли ишончномаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Халмуратов Даулетбай Назарбаевич.

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

**ЭШИТИЛДИ:**

Жамиятда Кузатов кенгаши мавжуд эмаслиги сабабли амалдаги қонунчиликка асосан ва Жамият уставига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб жамият акциядори “Ўзпахтасаноат” АЖ вакили Халмуратов Даулетбай Назарбаевични сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб Халмуратов Даулетбай Назарбаевич сайлансин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш котиби – Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиби этиб, Маткаримова Мухаббат Сапарбаевна номзоди таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиблигига Маткаримова Мухаббат Сапарбаевна сайлансин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси Д.Халмуратов – Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби бўйича йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сонли қарорига асосан тасдиқланган Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларини тартибга

солиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурига мувофик “Пахтасаноат” худудий акциядорлик бирлашмаларини тугатиш билан боғлиқ амалга ошириладиган вазифалар белгиланган.

Шу муносабати билан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги келтирилган масалалар киритилди.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан маъқулланди.

#### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин.

#### **КУН ТАРТИБИ:**

1) “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2) “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси ҳисоботини кўриб чиқиш.

3) “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБни ихтиёрий равишда тугатиш муддатини узатириш ёки тугатиш.

4) “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссиясини қайта сайлаш.

#### **КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича йиғилиш раиси томонидан қуйидагилар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59,66-моддаларига асосан умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича берилган акциядорларнинг овозларни санаб чиқиш ва овоз бериш яқунларини чиқариш, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузиш учун санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби, шунингдек умумий йиғилиш регламенти акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди:

1. Умарова Венера Анесовна – “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ бош ҳисобчиси, Санок комиссияси раиси;

2. Маткаримова Мухаббат Сапарбаевна – “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ корпоратив масалалар бўйича мутахассис, Санок комиссияси аъзоси;

3. Анесов Нурсултан Сирим ўғли - “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ иш хаки бўйича мутахассис, Санок комиссияси аъзоси.

Шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқа савол-жавоблар учун 5 дақиқагача, санок комиссияси ишига 10 дақиқа вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш таклиф этилди.

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таклиф этилаётган таркибини ва йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала юзасидан йиғилиш раиси томонидан йиғилиш қатнашчиларига қуйидагилар тўғрисида ахборот берилди.

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ акциядорларининг 2020 йил 19 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ ихтиёрий равишда тугатилиши бўйича ҳамда 2023 йил 2-августдаги умумий йиғилишида тугатиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ Тугатиш комиссия раиси Е.Кунназаров ўз сўзида жамиятни тугатиш жараёнида бажарилган ишлар ҳақида маълумот берди. “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ носоҳавий активларида “Агробанк” АТБ акциядорлик жамиятининг 329 880 дона номинал қиймати 1168 сўм бўлган акция пакети мавжуд.

“Агробанк” АТБ акцияларининг Республика фонд биржасида бозор қиймати (612 сўм) номинал қийматидан (1168 сўмдан) кам бўганлиги сабабли, Республика “Тошкент” фонд биржасида сотилмасдан қолмоқда.

**“Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБнинг носоҳавий 13та маъсулияти чекланган жамиятларда улушлари мавжуд. Шундан:**

Етти та жамият иқтисодий суд ва давлат хизматлар марказлари қарорига асосан тугатилган:

“Чимбай текстиль” МЧЖ 2019-йил 23-сентябрдаги 4-2301-1903/655 сонли Чимбой тумани иқтисодий суди томонидан тугатилган.

“Тахиаташпахтасаноат” МЧЖ 2020-йил 31-январдаги 4-2301-1903/407 сонли Нукус шаҳар иқтисодий суди томонидан банкрот деб топилган ва тугатилган.

“Шуманай биофабрика” МЧЖ 2018-йил 20-ноябрдаги Кунград тумани иқтисодий суд томонидан тугатилган.

“Пахтамашсервис Нукус” МЧЖ 2019-йил 28-декабрдаги 12-сонли Нукус шаҳар давлат хизматлар маркази томонидан тугатилган.

“Чимбай агрохизмат” МЧЖ 2021-йил 15-декабрдаги 55798 сонли Чимбой туман давлат хизматлар маркази томонидан тугатилган.

“Пахтасаноат янги технология” МЧЖ 2021-йил 16-декабрдаги 58596 сонли Нукус шаҳар давлат хизматлар маркази томонидан тугатилган.

“Шуманай текстиль” МЧЖ Кунград Туманлараро Иқтисодий Судининг 2022-йил 30-июндаги 4-2303-2201/214 сонли ажирым билан банкрот деб топилган ва 2022-йил 1-июлда 3/2-3/3-сонли Шуманай тумани давлат хизматлар маркази томонидан тугатилган.

Иккита жамият сотилган. Шундан:

“Ақчақўл оромгоҳи” МЧЖ “е-аукцион” давлат унитар корхонаси орқали 2 410 664 940 сўмга сотилган.

“Беруний агрохизмат” МЧЖдаги “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБнинг 51 фоиз улуши баҳоланиб, жамиятнинг 49 фоиз таъсисчи бўлган Зарипбаев Серик Джолдасовичга 175 825 000 сўмга сотилган.

Учта жамият “е-аукцион” давлат унитар корхонаси орқали сотишга қўйилган. Шундан:

“Чимбай биофабрика” МЧЖдаги “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБнинг 96,48 фоиз улуши 139 170 000 сўмга аукционга чиқарилган.

Баҳолаш ишларини “Хоразм эксперт баҳолаш” МЧЖ олиб борган ва “Gold grand estimation” МЧЖ томонидан экспертиза хулосаси олинган.

“Паруаз пахта терминали” МЧЖдаги «Қорақалпоқпахтасаноат» ҲАБнинг 27,4 фоиз улуши баҳоланиб 1 926 133 600 сўмга аукционга чиқарилган.

Баҳолаш ишларини “Olimp-baholash va ekspertiza markazi” МЧЖ олиб борган ва “Total estimate” МЧЖ томонидан экспертиза хулосаси олинган.

“Қорақалпоқпахтатранс” МЧЖдаги “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБнинг 100 фоиз улуши баҳолашиб 2 708 180 000 сўмга аукционга чиқарилган.

Баҳолаш ишларини “Хоразм эксперт баҳолаш” МЧЖ олиб борган ва “Gold grand estimation” МЧЖ томонидан экспертиза хулосаси олинган.

Мазкур активлар Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг 2022-йил 29-августдаги 42-сонли (2022 йил 30 августда 01-02/1-620-рақам билан тасдиқланган) йиғилиш баёнига асосан, “Ўзпахтасаноат” АЖ ва тизим корхоналарининг оммавий савдоларга чиқарилиб узоқ муддат сотилмай турган активларининг нархини кадамма-кадам пасайтириш механизми қўлланилиб аукцион савдоларига мунтазам равишда чиқарилмоқда.

Битта жамият тугатиш жараёнига тушган. Жумладан, “Шолча фартук тўқимачилик” МЧЖнинг устав фонди 90 000 минг сўм деб белгиланган бўлиб, шундан “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ томонидан 50 фоиз, яъни 45 000 минг сўм, Юсупов Фарход 20 фоиз, яъни 18 000 минг сўм, Нажимов Маркабай 30 фоиз, яъни 27 000 минг сўм маблағ киритилиши билан шаклланиши керак эди. Лекин “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ 50 фоиз, яъни 45 000 минг сўм, Юсупов Фарход 20 фоиз, яъни 18 000 минг сўмни устав фондидини шакллантириш учун маблағлар киритилмаган. Бу бўйича АТБ “Агробанк” Нукус шаҳар бўлими томонидан маълумотлар олинган. “Шолча фартук тўқимачилик” МЧЖнинг биноиншоотлари ва асосий воситалари мавжуд эмас.

“Шолча фартук тўқимачилик” МЧЖ таъсисчилигидан чиқиш бўйича жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтган ва умумий йиғилишга Нажимов Маркабай қатнашмаган. Кворум 70 фоиз билан йиғилиш ўтказилган бўлиб, “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ ва Юсупов Фарход “Шолча фартук тўқимачилик” МЧЖ устав фондидини шакллантиришга пул маблағлари қўйилмаганлиги учун таъсисчиликдан чиқиб кетиш бўйича 2022 йил 8-ноябрда жамият иштирокчиларининг қарори қабул қилинган ва Нукус шаҳар давлат хизматлар марказига жамият таъсисчилигидан чиқиб кетиш бўйича ариза берилган. Давлат хизматлар маркази томонидан ариза рад этилган. Бундан кейин жамият таъсисчилигидан чиқиб кетиш бўйича Нукус туманлараро маъмурий Судига даъво ариза киритилган. 2022 йил 15-декабрда Нукус туманлараро маъмурий Суди “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБнинг даъво аризасини қаноатлантирмаган.

2023 йил 7-февралдаги апелляция ишида ва 2023 йил 9-июндаги кассация ишида 2022 йил 15-декабрда Суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

“Шолча фартук тўқимачилик” МЧЖга “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ томонидан таъсис улушлари ўз вақтида киритилмаганлиги сабабли жамият таъсисчилигидан чиқиб кетиш бўйича Нукус туманлараро Иқтисодий Судга даъво ариза киритилган. 2023 йил 26-майда Нукус туманлараро Иқтисодий Судда “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ томонидан киритилган даъво аризаси қаноатлантирилган. Нукус туманлараро Иқтисодий Судининг 2023 йил 27-июндаги ижро варақасидан нусхаси Нукус шаҳри Давлат хизматлари марказига 2023 йил 7-июлда тақдим этилган.

Бундан ташқари жамият тугатиш комиссияси раиси Е.Кунназаров ўз сўзида тугатиш комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар сметаси ижроси бўйича қуйидагиларни маълум қилди.

Жамият фаолияти учун, тугатиш комиссияси аъзоларининг иш хакига 279 770 минг сўм (сметада 309 090 минг сўм), солиққа 33 572 минг сўм (сметада 37 091 минг сўм), банк ва депозитарийга 2 645 минг сўм (сметада 5 000 минг сўм), жами 315 987 минг сўм (сметада 351 181 минг сўм) харажат килинган.

Бундан ташқари, “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ сўндирилмаган кредитор қарзи 16 412,1 млн. сўмни ва ундирилмаган дебитор қарзи 22 449,7 млн. сўм, иш хакидан қарздорлик 98,7 млн.сўмни ташкил этади.

**Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала** юзасидан йиғилиш раиси Д.Халмуратов томонидан йиғилиш қатнашчиларига қуйидагилар тўғрисида ахборот берилди.

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ тугатиш жараёни тўлиқ яқунланмаган, дебитор қарзлари тўлиқ ундирилмаган ва кредитор қарз бўйича кредиторлар билан ҳисоб китоб ишлари яқунланмаган, таъсисчи бўлган масъулияти чекланган жамиятлар тўлиқ тугатилмаган ёки улушлари сотилмаганлиги сабабли, жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш муддатини олти ойга узайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

**Йиғилиш кун тартибидаги 4-масала** юзасидан йиғилиш раиси томонидан йиғилиш қатнашчиларига қуйидагилар тўғрисида ахборот берилди.

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ тугатиш комиссия аъзоларини қайта сайлаш тайинлаш талаб этилаётганлиги сабабли тугатиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни киритиш таклифи берилди:

- 1) Кунназаров Ерназар - “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ тугатиш  
Уринбаевич комиссияси раиси;
- 2) Умарова Венера Анесовна - “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ бош  
ҳисобчиси, тугатиш комиссияси аъзоси;
- 3) Матқаримова Мухаббат - “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ  
Сапарбаевна корпоратив масалалар бўйича  
мутахассис, тугатиш комиссияси аъзоси;
- 4) Халмуратов Даулетбай - Давлат активларини бошқариш  
Назарбаевич агентлигининг Қорақалпоғистон  
Республикаси ҳудудий бошқармаси  
бўлим бошлиғи, тугатиш комиссияси  
аъзоси.
- 5) Анесов Нурсултан Сирим - “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ  
ўғли ҳисобчиси, тугатиш комиссияси аъзоси.

Шунингдек тайинланган тугатиш комиссиясини ишини ташкил этиш юзасидан қабул қилинадиган қарорга киритиладиган тугатиш комиссиясининг вазибалари тўғрисида таклифлар билдирилди.

Хусусан, Жамиятни ихтиёрий тугатилишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йўл харитаси”да ҳамда Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссияси мажлиси баённомаларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шу билан бир қаторда “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБни тугатиш комиссияси аъзоларига иш хақи тўлаш таклиф этилди.

Муҳокамадан сўнг кун тартибидаги масала бўйича акциядорларга бюллетенлар орқали овоз бериш таклиф этилди.

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

#### **Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича:**

“Қорақалпоқпахтасаноат ҚАБ” акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

**Овоз бердилар: – 1 936 969 овоз, тарафдорлар – 1 936 969 овоз 100%,  
қаршилар – 0 овоз, бетарафлар – 0 овоз.**

1. Жамият\* акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1) Умарова Венера Анесовна – “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ бош ҳисобчиси, санок комиссияси раиси;

2) Маткаримова Муҳаббат Сапарбаевна – “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ корпоратив масалалар бўйича мутахассис, санок комиссияси аъзоси;

3) Анесов Нурсултан Сирим ўғли – “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ ҳисобчиси, санок комиссияси аъзоси.

2. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқа савол-жавоблар учун 5 дақиқача, санок комиссияси ишига 10 дақиқа вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлансин.

#### **Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала бўйича:**

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ тугатиш комиссияси ҳисоботини кўриб чиқиш.

**Овоз бердилар: – 1 936 969 овоз, тарафдорлар – 1 936 969 овоз 100%,  
қаршилар – 0 овоз, бетарафлар – 0 овоз.**

1. “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ тугатиш комиссияси раиси Е.Кунназаровнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ тугатиш жараёни якунланмаган, жамият активлари тўлиқ сотилмаган, дебитор қарзлари тўлиқ ундирилмаган ва кредитор қарздорликлари билан ҳисоб китоб ишлари якунланмаганлиги инобатга олинсин.

3. “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ тугатиш комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар сметаси ижроси маъқуллансин.

#### **Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала бўйича:**

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБни ихтиёрий равишда тугатиш муддатини ўзатириш ёки тугатиш тўғрисида.

Овоз бердилар: – 1 936 969 овоз, тарафдорлар – 1 936 969 овоз 100%,  
қаршилар – 0 овоз, бетарафлар – 0 овоз.

1. “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБни ихтиёрий равишда тугатиш муддати 2024 йил 1-августга қадар олти ойга узайтирилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги 4-масала бўйича:

“Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ тугатиш комиссиясини қайта сайлаш.

Овоз бердилар: – 1 936 969 овоз, тарафдорлар – 1 936 969 овоз 100%,  
қаршилар – 0 овоз, бетарафлар – 0 овоз.

1. “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ тугатиш комиссияси таркиби қуйидаги шахслар тайинлансин.

- 1) Кунназаров Ерناзар Уринбаевич - “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ тугатиш комиссияси раиси;
- 2) Умарова Венера Анесовна - “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ бош ҳисобчиси, тугатиш комиссияси аъзоси;
- 3) Маткаримова Муҳаббат Сапарбаевна - “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ корпоратив масалалар бўйича мутахассис, тугатиш комиссияси аъзоси;
- 4) Халмуратов Даулетбай Назарбаевич - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи, тугатиш комиссияси аъзоси.
- 5) Анесов Нурсултан Сирим ўғли - “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ ҳисобчиси, тугатиш комиссияси аъзоси.


2. “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ тугатиш комиссияси ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йўл харитаси” да ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссияси мажлиси баённомаларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ташкил этсин.

3. “Қорақалпоқпахтасаноат” ҲАБ тугатиш комиссиясини фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида тугатиш комиссияси томонидан харажатлар сметаси (комиссия аъзоларининг иш хақи, интернет, канцтовар ва бошқалар) ишлаб чиқилиб тасдиқлансин ва “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиха офисига маълумот тақдим этилсин.

4. “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот жамият акциядорларининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилиши белгилансин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Д.Халмуратов йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси



Д.Халмуратов.

Йиғилиш котиби



М.Маткаримова.

« 14 » февраль 2024 й.